

Лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун
10-408-РБ-22/ЙЛ-сонли

ШАРТНОМА

2022 йил 22 ноябр

Қарши шахри

“Қашқадарё вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК “Буюртмачи” тарафнинг тўлиқ номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли филиали (келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) номидан **Низом** асосида фаолият юритувчи “Буюртмачи” тараф директори **Ф.Тожибоев** бир томондан, “Иш бажарувчи” тарафнинг “Қашқадарё комплекс лойиха кидирув экспедицияси” ЖК (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб аталади) номидан **Низом** асосида иш юритувчи “Иш бажарувчи” тарафнинг раҳбари **Д.Алимов** иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408 сонли қарори ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 4-ноябрдаги VI-52-169-4-0-К/22-сонли қарори ва 2022 йил учун Манзилли рўйхатга асосан қуйида кўрсатилган объект бўйича техник кўригидан ўтказиш ва лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича шартнома тузилар:

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Объекти лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича мажлис ўтказилган (баённома тузилган) санадаги Объекти лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича тузилган **2022 йил 14 ноябрдаги баённома ва 183082-сонли лотга асосан** “Лойиха-смета ҳужжатлари тайёрланаётган **Қасби тумани Хўжакарлик МФЙ А.Навой, А.Темур, Истиклол, Қалдирғоч, М.Улуғбек, мустақиллик, Насаф, Обихаёт ва Янгиобод кўчаларини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха сметасини таёрлаш** объекти лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни Бажарувчи ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топширик бериш, лойиха-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қуйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси - 1-иловага мувофиқ;

- асослаштирилган келишув баённомаси 2-иловага мувофиқ;

- лойиха ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.5. Бажарувчи шартнома бўйича лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади. Учинчи шахсни ёллаган ҳолда белгиланган тартибда Буюртмачи ёки Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиши.

1.6. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хулосасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва кидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиха-смета амалдаги конунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топширик ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қуйидаги шартлар тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг

бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунда ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси қўшимча қиймат солиғи билан **22 200 000** (Йигирма икки миллион икки юз минг) сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур объект бўйича тўлов манзилли дастурга тасдиқлангандан кейин молиялаштириш манбаи аниқланиб, маблағ ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда "Буюртмачи" тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. "Буюртмачи" шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг **15 % микдорида** бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Қуйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи микдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мажбур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судда кўриб чиқилади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олиншига йўл қўйилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (қелажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг тақлиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш қўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий қундалиқ фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурияти доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳам зудлик

билан хабарлор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва у ўз зиммасига олинган мажбуриятларни тўлик бажаргунга қадар амал қилади.

8.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов манзиллий дастурига киритилиб, ушбу объект бўйича ҳисоб рақами очилганидан кейин, ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг тўловлар амалга оширилади.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

Буюртмачи:	«Иш бажарувчи»
Қашқадарё Минтақавий йулларга буюртмачи хизмати ДУК Манзили: Қарши шаҳри Хонобод ва А.Навоий чорраҳаси 66-уй Тел: 224-16-75 Факс: 224-16-98	Корхона номи: «Қашқадарё комплекс лойиҳа кидирув экспедицияси» ЖК Манзили: Қарши шаҳар Хонобод ўчаси 23 уй Тел: 75-224-02-32; 93-525-18-34 СТИР: 200 670 974 ОКЭД: 71 110
ИНН: 304 934 733 ОКЭД: 71110 Ш.х/р: 3018 2186 0104 0170 4520 4118 125	Банк: ТИФ Миллий банк Қарши шаҳар филиали. МФО: 00150 Х/р: 2020 8000 9003 0538 6001
Тошкент ш. Марказий банк ББХКМ Молия Вазирлиги Ғазначилиги МФО:00014 ИНН 201 122 919 Х/р: 234 020 003 001 000 010 10	
Директор:  Ф.Тожибоев	Директор:  Д.Алимов

Бош юрисконсулт:  Ф.Марданов

Юрисконсулт:  Ф.Азизов